

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ

Акциядорларининг 20 \_\_\_\_ йил

“ \_\_\_\_\_ ”

“Умумий йиғилиш қарори”

ТАСДИҚЛАНГАН

Йиғилиш раиси



“Шеробод пахта тозалаш” АЖ

Кузатув кенгаши йиғилишида

МАЪҚУЛЛАНГАН

“14” 11 2024 йил

Мажлисда расмлик қилувчи

Э.Эшанкулов



**«Шеробод пахта тозалаш»  
акциядорлик жамиятининг  
2025 йил учун мўлжалланган  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

Шеробод тумани 2024 йил

## МУНДАРИЖА

1. Жамият фаолиятининг мақсади ..... 3-бет
2. Жамият тўғрисида маълумот..... 3-бет
3. Жамиятда сотиладиган маҳсулотлар, бино иншоотлар ва асосий воситаларни ижарага бериш хизматлар бўйича маркетинг стратегияси.....3-бет
4. Жамиятнинг маркетинг концепцияси. Моддий ресурслар ва сотиш прогнозлари ..... 4-бет
5. 2025 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари ..... 5-бет
6. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган молиявий режаси..... 7-бет
7. Жамиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш режаси... 8-бет
8. Жамиятнинг 2025 йилда кутилаётган бухгалтерия баланси ..... 8-бет
9. 2025 йилда кутилаётган молиявий натижалари ..... 10-бет
10. Хулоса ..... 10-бет

## **1. Жамият фаолиятининг мақсади**

- Жамиятнинг мол-мулклари ва асбоб-ускуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 914-сонли қарорига асосан “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига беш йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан сотилган.

-“Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

## **2. Жамият тўғрисида маълумот**

1.Жамиятнинг номланиши:

тўлиқ номи – “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти.

қисқа номи – “Шеробод пахта тозалаш” АЖ.

2.Ташкилий – ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

3.Жамиятнинг юқори ташкилоти: “Ўзпахтасаноат” АЖ.

4.Жамиятнинг юридик ва алоқа манзили: Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси -1 уй.

5.Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: Шеробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2018 йил 18 июл куни 553 G сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

6.Жамиятнинг реквизитлари: АТ «Агробанк» Шеробод бўлими, банк коди 00337, х/р 20210000000547158001 ИНН 200 497 491.

7.Жамият Устав фондининг миқдори 7 392 564.0 мингсўм бўлиб, номинал қиймати 3000 сўм бўлган 2 464 188 дона акцияни ташкил этади.

Жумладан:

- “Сурхондарёпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” акциядорлик жамиятига бошқарувга берилган давлат улуши 51.0 фоиздан иборат 3 770 208,0 минг сўмлик 1 256 736 дона акция,

- Бошқа акциядорлар улуши 49.0 фоиздан иборат 3 622 356,0 минг сўмлик 1 207 452 дона акциядан иборат.

## **3. Жамиятда сотиладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича маркетинг стратегияси**

Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- 1) Миқдор бўйича бозор талаби;
- 2) Сифат бўйича бозор талаби;
- 3) Бино иншоот сотиш;
- 4) Асбоб-ускуналарни сотиш;
- 5) Бошқа даромадлар;
- 6) Ўтказиб бериш муддати бўйича бозор талаби индивидуал ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябр кунидаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 914-сонли қарорига асосан пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш масканларининг бино ва иншоотлари ишлаб чиқаришни

2 йилдан ортиқ бўлмаган вақт давомида модернизация қилиш шarti билан пахта-тўқимачилик кластерларига сотилиши белгиланган.

#### 4. Жамиятнинг маркетинг концепцияси. Моддий ресурслар ва сотиш прогнозлари

Жамиятнинг мол-мулклари ва асбоб-ускуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сонли қарорига асосан “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотилганлиги сабабли, режалаштирилаётган йилда маҳсулотларнинг йил бошидаги колдифини ва асосий воситаларни сотилишини таъминлаш ва ҳисоб-китобини амалга ошириш лозим.

#### 5. 2025 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари

2025 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар куйидагилардан иборат бўлади:

- Давр харажатлари;
- Молиявий фаолият бўйича харажатлар.

Юқорида келтирилган харажатлар жамиятнинг даромадлар режасига мувофиқ режалаштирилган. Мос равишда йил давомида кучли форс-мажор оқибатлари натижасида кўзланган даромад олинмай қолса, бизнес-режанинг даромад ва харажат қисмига тегишли бошқарув органининг қарорига асосан ўзгартириш (корректировка) киритиш мумкин. Бунга реал даромадларнинг камайиш даражасига мос равишда, эгилувчан режалаштириш тамойилларига мувофиқ харажат қисми ҳам қисқартириб борилади.

#### Жамиятда 2025 йилда кутилаётган давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар

Харажатлар тури	Чорақлар таксимотида				
	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ	Жами 2025 йилда
Сотиш харажатлари					
Гайёр маҳсулот бўлими ишчиларининг иш ҳақиси	0	0	0	0	0
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ягона ижтимоий тўлов	0	0	0	0	0
Баҳолаш харажатлари	0	0	0	0	0
Кадастр харажатлари	0	0	0	0	0
Аукцион ва сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар	0	0	0	0	0
ЁММ	0	0	0	0	0
Бошқа харажатлар					0

Харажатлар тури	Чораклар таксимотида				
	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	Жами 2024 йилда
<b>Жами сотиш харажатлари</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
<b>Маъмурий харажатлар</b>					
Маъмуриятнинг иш хақиси	231027	231027	231027	231027	924108
Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш	0	0	0	0	0
Иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ягона ижтимоий тўлов	28,0	28,0	28,0	28,0	112,0
Асосий воситаларнинг эскириш ажратмаси	0	0	0	0	0
Электр энергияси	0	0	0	0	0
Транспорт харажатлари	0	0	0	0	0
Оргтехникаларни(компютер, принтер ва х.к.) ижарага олиш ва уларга хизмат кўрсатиш	0	0	0	0	0
Газ	0	0	0	0	0
Хизмат сафари харажатлари	10000	10000	10000	10000	40000
Канцелярия моллари харажати	2500	2500	2500	2500	10000
Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш	0	0	0	0	0
Телефон ва интернет харажатлари	0	0	0	0	0
ЁММ	4000	4000	4000	4000	16000
Ички аудит хизмати харажатлари (ЯИТ б-н)	2500	2500	2500	2500	10000
Бошқа харажатлар	4000	4000	4000	4000	16000
<b>Жами маъмурий харажатлар</b>	<b>254055</b>	<b>254055</b>	<b>254055</b>	<b>254055</b>	<b>1016220</b>
<b>Бошқа операцион харажатлар</b>					
Моддий ёрдам	9000	9000	9000	9000	36000
2 ёшгача нафақа пули	0	0	0	0	0
Ишчиларга бериладиган бепул овкат	0	0	0	0	0
Байрам тадбирларини ўтказиш харажатлари	0	0	0	0	0
Тегишли бошқарув органнинг рухсати билан хомийлик ёрдамлари	0	0	0	0	0
Ноишлаб чиқариш бўлинмалар (ЖКО, ошхона, медпункт ва х/к) харажати	0	0	0	0	0
Банк хизмати тўловлари	2500	2500	2500	2500	10000
Ер солиғи	375324	375324	375324	375324	1501296
Мол мулк солиғи	15518	15518	15518	15518	62072
Сув солиғи	4	4	4	4	16
Обуна харажатлари (почта харажатлари)	2500	2500	2500	2500	10000
Касаллик варақаси учун тўловлар					
Кадрлар малақасини ошириш харажатлари					0

Харажатлар тури	Чораклар тақсимоотида				
	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	Жами 2025 йилда
Ташки аудит хизмати (ш.ж МСФО)					
Бошқа харажатлар	2000	2000	2000	2000	8000
Жами бошқа операцион харажатлар	<b>406846</b>	<b>406846</b>	<b>406846</b>	<b>406846</b>	<b>1627384</b>
Жами давр харажатлари	<b>660901</b>	<b>660901</b>	<b>660901</b>	<b>660901</b>	<b>2643604</b>
<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>					
Банк кредити фойдалари тўлови	0	0	0	0	0
Жамғармадан олинган маблағлар учун маржа гуловлари	0	0	0	0	0
Жами молиявий фаолият бўйича харажатлар	0	0	0	0	0

## 6. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган молиявий режаси

Бизнес-режада жамият томонидан 2025 йил давомида жами **2 712 724.0** минг сўмлик даромад кластер корхонаси томонидан график бўйича пул олиш режалаштирилган. (2025 йил январ декабр ойларига асосан график бўйича ва уруғлик чигит, музлатгич январ декабр ойлари)

2025 йил давомида жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари **жами 2 643 604.0** минг сўмни ташкил этилиши кутилмоқда, жумладан:

- Давр харажатлари – **2 643 604** минг сўм; шундан Маъмурий харажати: **1 016 220** минг сўм, бошқа операцион харажатлар: **1 627 384** минг сўм. Жамиятда 2025 йил якуни бўйича фойда солиғини тўлагунга қадар фойда **69 120.0** минг сўм, шундан фойда солиғи **15 % 10 368.0** минг сўм солиқлар тўлангандан сўнг жамият ихтиёрига қолган соф фойда **58 752.0** минг сўм олиниши режалаштирилган. Олиниши кутилаётган **58 752.0** минг сўм соф фойда жамиятнинг ўтган йиллардаги жамланган **21 463 289.0** минг сўм зарар суммасини камайтиришга йўналтирилади.

## 7. Жамиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш режаси

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти давомида корхона ва ташкилотлар, ходимлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш жамият Бош директори томонидан доимий назоратга олиниши режалаштирилган. Биноиншоотларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда бюджет олдидаги, ундан кейин корхона ва ташкилотлар олдидаги қарздорликни йўқотиш режалаштирилган.

## 8. Жамиятнинг 2025 йилда кутилаётган бухгалтерия баланси

(Кутилаётган баланс-жадвал)

## 9. 2025 йилда кутилаётган молиявий натижалари.

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2025 йил I чорак		2025 йил 6 ойлик		2025 йил 9 ойлик		2025 йиллик минг сўмда	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
<u>1</u>	<u>2</u>	<u>3</u>	<u>4</u>	<u>5</u>	<u>6</u>	<u>7</u>	<u>8</u>	<u>9</u>	<u>10</u>
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	678 181		1 356 362		2 034 543		2 712 724	
Сотишган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020		0						
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг я.ни фойдаси	030								
Давр харажатлари, шу жумладан:	040		660 901		1 321 802		1 982 703		2 643 604
Сотиш харажатлари	050		0		0		0		0
Маймური харажатлар	060		254 055		508 110		762 165		1 016 220
Бошқа операция харажатлари	070		406 846		813 692		1 220 538		1 627 384
Бели уенда солиққа этиладиган базадан чиқариладиган хисобот даври харажатлари	080								
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090								
Асосий фаолиятнинг фойдаси	100	17 280		34 560		51 840		69 120	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, шу жумладан:	110	0		0		0		0	
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120					0		0	
Фондлар шаклидаги даромадлар	130								
Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140								
Валюта курси фаркидан даромадлар	150								
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160								
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:	170								
Фондлар шаклидаги харажатлар	180								
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фондлар шаклидаги харажатлар	190								
Валюта курси фаркидан зарарлар	200								
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210								
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	220	17 280		34 560		51 840		69 120	
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230								
Фойда солигини тўлагунга келтирилган фойда (зарар)	240	17 280		34 560		51 840		69 120	
Фойда солиғи	250		2 592		5 184		7 776		10 368
Фойданан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260		0		0		0		0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	270	14 688		29 376		44 064		58 752	

## 10. Хулоса

Жамиятнинг 2025 йилдаги молия-хўжалик фаолиятдан олинадиган соф фойдаси **58 752.0** минг сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Ушбу бизнес-режада ақс эттирилган барча маълумот ва кўрсаткичлар тўғрилигига жамият ижроия органи жавобгардир.

Мазкур бизнес-режа тасдиқланган (маъқулланган)дан кейин ҳам йил давомида форс-мажор ҳолати вужудга келиши, бозорда рақобатнинг кутилмаган қирралари намоён бўлиши, улгуржи нархларнинг (прейскурант) пасайиши (кўтарилиши) ёки бошқа ҳолатлар юз бериши натижасида кўзланган даромадлар олинмай қолса, бизнес-режанинг даромадлар ва харажатлар қисмига тегишли бошқарув органининг қарорига асосан ўзгартириш (корректировка) киритилиши мумкин.

**“Шеробод пахта тозалаш”**

**АЖ бош директори:-**

**Бош ҳисобчи:-**



**Ў.Қиличов**

**У.Маматалиев**



**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ  
4 СОНЛИ БАЁННОМАСИ**

---

**Мажлис ўтказилган  
сана, вақт:**  
2024 йил “ 14” Ноябрь  
соат 10<sup>00</sup>

**Мажлис ўтказилган жой:**  
Сурхондарё вилояти, Шеробод  
тумани,  
Мустақиялик кўчаси, 1-уй

**Мажлис раиси:**

**Кузатув кенгаши раиси:**  
Эшанқулов Эркин Даниярович

**Қатнашдилар:**

**Кузатув кенгаши аъзолари:**  
Исломов Акмал Хакимович;  
Халбаев Тўрамурод Жайлолович ;,  
Гулямов Нигматулло Қадирович;  
Қаюмов Махмуд Маннонович.  
Қодиров Ўткирбек Фозилович  
Холиқов Сухроб Боборахматович  
У.Зубаев - жамиятнинг  
акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар бўйича мутахассиси.

**Мажлис котиби:**

**Кворум:**

**100 фоиз**

**Таклиф этилди:**

Ў.Қиличов- жамият бош  
директори;  
У.Маматалиев - Бош бухгалтери

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. 2024 йилнинг тўққиз ой якуни натижалари бўйича жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият Бош директорининг ҳисоботини кўриб чиқиш.**

**2. Жамиятнинг 2025 йил учун мулжалланган бизнес-режаси лойиҳасини кўриб чиқиш.**

---

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан** - Жамият Бош директори Ў.Қиличов сўзга чиқиб, “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамиятида 2024 йилнинг тўққиз ой давомида амалга оширилган ишлар, жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*). Жамиятда 2024 йил 9 ойлик якуни бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эришилди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2024 йилнинг тўққиз ой натижалари бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботи муҳокама қилиниб йўл қўйилган камчиликлар юзасидан топшириқлар берилди ва жорий йилнинг тўққиз ой якуни натижалари бўйича жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши

ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият Бош директорининг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш таклиф этилди. Таклиф овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 7 нафар;**

**Қаршилар – йўқ;**

**Бетарафлар – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1. Жамият Бош директори Ў.Қиличовнинг 2024 йилнинг тўққиз ой якуни натижалари бўйича жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият Бош директори Ў.Қиличовга:**

- тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини доимий таъминласин;

- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ҳамда барча турдаги харажатлари қисқартирилиши бўйича тегишли чораларни кўрсин;

- жамиятнинг 2025 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси лойиҳасини жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирмай Кузатув кенгашига тақдим этиш топширилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси – Э.Эшанқулов кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ Бош директори Ў.Қиличовга сўз берди.

Ў.Қиличов сўзга чиқиб, жамият ижроия этувчи органи томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг 2025 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси лойиҳаси билан барча мажлис қатнашчиларини таништирди ва бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларига шарҳ бериб ўтди (Бизнес режа илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 75-моддаси ва жамият Уставига асосан жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозимлиги кўрсатилган. 2025 йил давомида жами бўлиб **2 712 724,0** минг сўмлик даромад кластер корхонаси томонидан график бўйича пул олиш режалаштирилган.

2025 йил давомида жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари жами **2 643 604,0** минг сўмни ташкил этилиши кутилмоқда, жумладан:

- Давр харажатлари – **2 643 604,0** минг сўм;

Жамиятда 2025 йил якуни бўйича фойда солиғини тўлагунга қадар фойда **69 120,0** минг сўм, солиқлар тўлангандан сўнг соф фойда **58 752,0** минг сўм олинishi режалаштирилган.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти давомида корхона ва ташкилотлар, ходимлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш жамият Бош директори томонидан доимий назоратга олинishi режалаштирилган.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бизнес-режа таркибидаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, жамият ижроия этувчи органига 2025 йилда ишни

самарали ва тежамкорлик билан, сарф-харажатларни қисқартиришга алоҳида эътибор берган ҳолда ташкил қилиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан жамиятнинг 2025 йил учун мулжалланган бизнес-режасини маъқуллаш таклиф этилди. Таклиф овозга кўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 7 нафар;**

**Қаршилар – йўқ;**

**Бетарафлар – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1. “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг 2025 йил учун мулжалланган бизнес-режаси иловага мувофиқ маъқуллансин.**

**2. Жамият Бош директори Ў.Қиличовга:**

- жамиятнинг 2025 йил учун мулжалланган бизнес-режасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритсин;

- бизнес-режа жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлангунга қадар жамият фаолиятида белгиланган тартибда фойдаланиш тавсия этилсин;

- бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, харажатларни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини қисқартирилиши бўйича хар чорак якуни билан Кузатув кенгашига ахборот бериб борсин.

Кузатув кенгаши раиси: / \_\_\_\_\_ / Э.Эшанқулов

Кузатув кенгаши аъзолари: / \_\_\_\_\_ / А.Исломов

/ \_\_\_\_\_ / Т.Халбаев

/ \_\_\_\_\_ / Н.Гулямов

/ \_\_\_\_\_ / М.Қаюмов

/ \_\_\_\_\_ / Ў.Қодиров

/ \_\_\_\_\_ / С.Холиқов

Мажлис котиби: / \_\_\_\_\_ / У.Зубаев

Мазкур Кузатув кенгаши баённомасини барча иловалари билан қабул қилдим.

Жамият Бош директори: / \_\_\_\_\_ / Ў.Қиличов

Баённома имзоланган сана: “ 14 ” Ноябрь 2024 йил.

